

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_



ЮРАКДАН ЮРАККА

Халқаро ногиронлар кuni муносабати билан ҳар йили мамлакатимизда ўтказиб келинаётган хайрия акциялари имконияти чекланган юртдошларимизга бўлган эътибор, ғамхўрликнинг амалий ифодасига айланган.

Хайрия акцияси



Юздан ортиқ ижодий ишлар: кўп меҳнати билан ясалган буюмлар, расмлар, миллий хунармандчилик маҳсулотлари, маиший жиҳозлар, керамика ва декоратив буюмлар кенг жамоатчиликка намойиш этилди. Шу билан бирга, мазкур маҳсулотларнинг савдоси ҳам ташкил этилиб, иштирокчиларга ўз



Нурафшон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да ташкил этилган анъанавий "Юракдан юракка" инклюзив кўргазмаси ҳам эзгу мақсадларга хизмат қилиб, имконияти чекланганларнинг ижодкорлиги, меҳнати ва иродасини яна бир бор намойиш этди. Икки кун давом этган кўргазма доирасида имконияти чекланган болалар ва катталар, шунингдек, вилоятдаги 12 та махсус интернат муассасалари тарбияланувчилари томонидан яратилган

меҳнатларининг самарасини кўриш имконияти яратилди. Айтиш жоизки, кўргазма иштирокчиларга ўз иқтидор ва маҳоратларини намойиш этишга шaroит яратиш билан бирга жамиятда инклюзивликни кўллаб-қувватлаш, эҳтиёжмандларга нисбатан меҳр-шафқат, эътибор ва ҳурмат туйғуларини тарғиб этишга хизмат қилди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

8 декабрь –
Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси
қбул
қилинган
кун

ФАРОВОН КЕЛАЖАГИМИЗ КАФОЛАТИ



2

Чегарачиларга хизмат уйлари топширилди

Оҳангарон туманида Ўзбекистон Республикаси ДХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм хизматчилари учун бунёд этилган янги хизмат уйлари хонадон эгаларига топширилди.

Эътибор

Тадбирда ДХХ Чегара қўшинлари раҳбарияти, туман ва шаҳар ҳокимликлари мутасаддилари, нурунийлар, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари иштирок этдилар. Мазкур ташаббус ҳарбийлар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, уларнинг юртимиз сарҳадларини



қўриқлаш йўлидаги фидокорона хизматларини муносиб рағбатлантириш ва кўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим қадам сифатида эътироф этилди.

Маълумот ўрнида, фойдаланишга топширилган тураржой мажмуаси 18 та хонадондан иборат бўлиб, яшаш учун қулай шарт-шaroитлар яратилган.



Viloyat bo'ylab

1-5-dekabr kunlari mamlakatimiz bo'y-lab o'tkazilgan "Men donorman" haftaligi doirasida xayriya tadbiri tashkil etildi. Ezgulik aksiyasida TOSHKENT viloyati Yoshlar ishlari boshqarmasining faol yigit-qizlari volontyor sifatida ishtirok etib, bemorlarga hayot baxsh etishga hissa qo'shishdi.

"TOSHKENT viloyati suv ta'minoti" AJ tomonidan kengaytirilgan reytd tadbirlari o'tkazilmoqda. Jarayonda qarzdor iste'molchilar bilan manzilli ishlash, mavjud qarzdorlikni undirish bo'yicha huquqiy tushuntirishlar berilmoqda. Bu kabi reydlar viloyatning barcha shahar va tumanlarida bosqichma-bosqich davom ettiriladi.

VILOYATda atmosferani ifloslantiruvchi manbalarni aniqlash bo'yicha vertolyot patruli ishga tushirildi. Aero-kuzatuv ekologik me'yorlarni buzayotgan korxonalarni, jumladan, yashirin yoki yetib borish qiyin bo'lgan hududlardagi ob'yektlarni tezkor aniqlash imkonini beradi. Shuningdek, maxsus komissiya ekologik vaziyatni barqarorlashtirish va aholi salomatligini himoya qilish borasidagi kompleks chora-tadbirlarni davom ettiradi.

QIBRAY tumanida Bosh prokuror o'rinbosari I. Adhamov rahbarligida issiqxona sohasida faoliyat yuritayotgan tadbirkorlar bilan keng qamrovli targ'ibot-tashviqot suhbatlari olib borildi. Muloqotlarda issiqxonalar filtr o'rnatish, zararli yoqilg'i turlaridan voz kechish, havoga chiqindilar chiqarmaslik kabi ekologik me'yorlar amalda qanday bajarilishi batafsil tushuntirildi. Bu kabi talablar korxonalarining faoliyatini qiyinlashtirish uchun emas, balki atrof-muhit xavfsizligini saqlash va aholi salomatligini ta'minlash maqsadida joriy etilayotgani alohida ta'kidlandi.

BO'STONLIQ tumanida Xalqaro nogironlar kuni munosabati bilan tadbir o'tkazildi. Unda inkluyuziv jamiyatning faol, yorqin va iste'dodli yosh vakillari ishtirok etishdi. Uchrashuvda qatnashchilarga ishora tili o'rgatildi, tiflosharh (audiotasvir) bilan ta'minlangan filmlar namoyish qilindi, shuningdek, turli interaktiv o'yin va mashg'ulotlar tashkil etildi.

ANGREN shahridagi "Sog'lom" mahallasining ikki mingdan ortiq aholisi viloyat hokimligining amaliy qo'llab-quvvatlashi natijasida toza ichimlik suvi bilan ta'minlandi. Shu munosabat bilan "Toshkent viloyati suv ta'minoti" AJ Angren shahar filiali tasarrufidagi "Yangi sog'lom" suv olish inshootining ochilish marosimi bo'lib o'tdi. Tadbirda shahar hokimligi vakillari, viloyat suv ta'minoti korxonasi mas'ullari, Mudofaa vazirligi xizmatchilari, nuroniyalar, jamoatchilik faollari hamda OAV vakillari ishtirok etdilar.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарига 2026 йил учун ОБУНА БЎЛИНГ!

Йиллик обуна баҳоси (тўғридан-тўғри тахририят билан шартнома қилинганда):

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – 896 300 СЎМ;
Нашр кўрсаткичи – 205

«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» – 586 200 СЎМ;
Нашр кўрсаткичи – 207

Етказиб бериш хизмати ичида.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳафтада икки мартаба – chorshanba ва shanba кунлари, «Ташкентская правда» газетаси эса жума куни чоп этилади.

Обуна тахририятда, почта филиаллари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларда расмийлаштирилади.

Мурожаат учун телефон: +998 97 432-00-35



▼ 8 dekabr – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ФАРОВОН КЕЛАЖАГИМИЗ КАФОЛАТИ

Ҳар бир давлатнинг тараққиёти ва барқарор келажаги, аввало, унинг асосий қонуни мустақамлигига таянади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимиз орзу-интилишлари, адолат, эркинлик ва тенглик ҳақидаги

қарашларини ўзида мужассам этган, миллий қадриятлар ҳамда замонавий демократик тамойилларнинг уйғун ифодасидир. Шу боис у мамлакатимизда “Бахтимиз қомуси” сифатида эъзозланади.

ҳуқуқ ва манфаатларини давлат ҳимоя қилиши қонун билан белгиланади.

Конституцияда таълим тизимида илмий-технологик янгиликларни жорий этиш, рақамли таълимни ривожлантириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш ҳам назарда тутилган. Бу эса Ўзбекистоннинг билимга асосланган тараққиёт йўлини мустақамловчи муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги кунда Конституция жамиятимизда ҳуқуқий маданият, қонун устуворлиги ва барқарорликнинг асосий кафолати сифатида хизмат қилмоқда. Ҳар йили 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун сифатида мамлакат бўйлаб кенг нишонланади. Бу нафақат байрам, балки Ватан, қонун ва халқ олдидаги масъулиятни эслатувчи муқаддас

сана сифатида қадрланади.

Конституцияни чуқур билиш, унга ҳурмат билан амал қилиш – ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Ёш авлодни айнан шу руҳда тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини англашига қумаклашиш – ота-оналар, педагоглар ва жамиятнинг умумий вазифасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – халқимиз ғурури, эркинлик тимсоли ва фаровон келажак кафолатидир. У бизни тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт сари етаклайди. Шунинг учун асосий қонуни мизни ардоқлаш ва унга садоқат билан амал қилиш – Ватанга муҳаббатнинг энг юқори ифодасидир.

ЎГИЛОЙ ХУДОЙНАЗАРОВА,
Чирчиқ давлат педагогика университети “Тасвирий санъат ва дизайн” кафедраси ўқитувчиси

▼ Ҳамкорлик



МУЛОҚОТ, МУЗОКАРА, МУҲОКАМА

Пойтахтимиздаги “Hilton” меҳмонхонасида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев ва Башкирдастон Республикаси раҳбари Радий Хабиров ўртасида муҳим учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот аввалида вилоят ҳокими меҳмонларни самимий қутлаб, ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар тобора мустақамланиб бораётгани, айниқса, бу муносабатлар ҳудудларо ҳамкорлик асосида жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Тошкент вилоятида турли соҳаларда истиқболли ташаббуслар юзасида амалий қадамлар алақачон ташлангани, яқиндагина Башкирдастон Республикаси Бош вазири ўринбосари Александр Николаевич билан олиб борилган самарали музокаралар бу борада муҳим ўрин тутганини қайд этилди.

Ўз навбатида, Радий Хабиров Тошкент вилояти билан ҳамкорлик қилишга қизиқиш юқори эканини таъкидлар экан, бу минтақа sanoat, қишлоқ ҳўжалиги, таълим ва туризм соҳалари, ишлаб чиқариш ҳамда машинасозлик йўналишларида қўшма ташаббусларни амалга ошириш учун катта имкониятлар ҳудуди эканини мамнуният билан эътироф этди.

Маълумки, Бошқирдастон нефть-газ, машинасозлик, таълим, кимё ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида етакчи минтақа ҳисобланади. Тошкент вилояти эса инфратузилмаси тез ривожланаётган, турли sanoat тармоқлари жадал кенгаётган ҳудуд сифатида инвестиция учун жозибдор маскан.

Сўхбат мобайнида икки ҳудуд ўртасида айни шу соҳаларга кўпроқ эътибор қаратиш, иқтисодий, инвестицион ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Учрашув очик, самимий ва галдаги амалий қадамларга йўналтирилган руҳда ўтди.

▼ Жараён

ЭКОЛОГИК ИНТИЗОМ – БУГУННИНГ ЭНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Зангиота туманида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев иштирокида атроф-муҳитни муҳофизат қилишга қаратилган навбатдаги ишчи мулоқот бўлиб ўтди.

Унда тижорат банклари вакиллари, ҳудудий экология бўлими мутахассислари, иссиқхона эгалари ҳамда филтър ва экологик жихозлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар иштирок эттишти.

Мулоқотда экологик хавфсизликка оид қатор долзарб масалалар – ҳаво сифати, чиқиндилар масаласи, замонавий филтър технологияларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, иссиқхона ҳўжаликлари фаолиятида экологик метёфларга қатъий риоя қилиш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими иссиқхона эгалари зиммасига юклатилган масъулиятни яна бир бор эслатиб, филтър ўрнатмасдан фаолият юритиб, атроф-муҳитга зарар етказётган ҳўжаликларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши ҳақида огоҳлантирди.

Тадбирнинг асосий мақсади – бугунги куннинг энг муҳим талабидан келиб чиққан ҳолда, иссиқхона эгалари ўртасида экологик маданиятни ошириш, ҳаво ифлосланишининг олдини олиш ва бу йўналишда тизимли чора-тадбирларни йўлга қўйишдан иборат бўлди.

Амалий семинар кўринишида ўтган мулоқотда иштирокчиларга филтър ўрнатишнинг афзалликлари, энергия тежамкор технологиялар, экологик хавфсиз ускуналар ва ресурслардан оқилона фойдаланиш юзасида мутахассисларнинг тавсия ва кўрсатмалари тақдим этилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

ЮРАКДАН ЮРАККА

– Ростини айтсам, бундай тадбирларда қатнашиш одамга бошқача руҳ, ишонч берар экан, – дейди Бекобод туманилик ҳўнарманд Шарофат Пардаева. – Юртимизда ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилаётган тенг имкониятлар, уларнинг жамиятга тўлақонли қўшилишига қаратилган ишловлардан мамнунман. Ўзим қўл меҳнати билан турли буюмлар ясайман. Бу буюмлар кимгадир ёқса, фойдали бўлса, бу менга куч-қувват беради. Бугунги кўргазмада анчагина маҳсулотни сотилди. Ногиронлиги бўлган инсонлар учун шундай имкониятларни яратиш берганларга раҳмат. Бу – биз учун ишонч, имконият ва янги қадамдир.

Таъкидланганидек, иштирокчилар томонидан яратилган ижодий ишлар жамиятимизда инклюзив маданиятнинг мустақамланиб бораётганини кўрсатади.

Жумладан, Олмалик шаҳридаги 80-сонли иттиҳослаштирилган мактаб-интерна-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ти ўқувчилари тайёрлаган ёғоч ўйинчоқлар, шамдонлар, уй жиҳозлари ва керамика маҳсулотлари кўпчилигининг эътиборини тортиди. Ҳар бир маҳсулотда меҳр, ижод ва меҳнат акс этиб турибди.

Муассаса ўқитувчиси Муҳаббат Маматқулованинг айтишича, бундай ижодий фаолият ёшларнинг малакасини ошириш билан бирга, касб-ҳўнар эгаллашлари ва жамиятда муносиб ўрин топишларига ёрдам беради.

Икки кун давом этган хайрия акциясида 73 миллион сўмлик маҳсулотлар сотилди. Тушган маблагнинг барчаси иттиҳослашган мактабларнинг моддий-техника таъминотини мустақамлаш ва ўқувчилар учун зарур шароитлар яратишга сарфланади.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этиб, ўқувчилар томонидан тайёрланган буюмларни юқори баҳолади.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

▼ Очик мулоқот

КАМОЛОТ МАНЗИЛИНИНГ “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”



Оққўрғон туманидаги Касбий кўникмалар марказида “Конституция – ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати” мавзусида ёшлар билан учрашув ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 33 йиллиги муносабати билан ўтказилган учрашувда Касаба уюшмалари Федерацияси вилоят Кенгаши раиси С.Файзиёва, вилоят Касбий таълим бошқармаси бошлиғи Н.Кулбекова, Оққўрғон тумани Адлия бўлими масъул ходими Б.Мавланов ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок эттишти.

Тадбирда Бош Қомусимизда халқимизнинг иродаси ва орзу-истаклари ёрқин акс этирилгани, ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши учун шароитлар яратиш бериш кафолатлари мустақамлаб қўйилгани таъкидланди.

Шунингдек, ўқувчиларга касба уюшмаларининг ёшлар билан ишлаш йўналиши,



янги лойиҳалар, ташкилотларда ёш ишчи-ҳодимларни қўллаб-қувватлаш юзасида амалга оширилаётган вазифалар ҳақида тушунчалар берилди.

Очик мулоқот шаклида ўтган учрашувда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар ҳамда тақлифлар билан раҳбарларга

муурожаат қилдилар. Билдирилган тақлифлар маъқулланиб, улар юзасидан алоҳида чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланди.

Яқунда бир гуруҳ фаол ва иқтидорли ёшлар ташаккурнома ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Ўз муҳбиримиз

▼ Йўқлов

УСТОЗЛИК – УЛУҒ МАҚОМ

Устоз ва мураббийларнинг меҳнати азалдан халқимиз томонидан қадрланган. Устоз деганда кўз ўнгимизда жонкуяр ва меҳрибон муаллимлар гавдаланади. Ҳар биримиз ўқитувчилик касбининг машаққатларини яхши

билиамиз. Ана шундай фидойи устозлардан бири, ярим асрлик умрини таълимга бағишлаб, кўплаб ёшларни билимли, маънавий баркамол инсон бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшган Мавжуда Ашировадир.



▼ Muruvvat



Yana bir ezgulik oshyoni

Xalqaro nogironlar kuni munosabati bilan Zangiota tumanining “Eshonguzar” mahallasida yana bir ezgu tashabbus amalga oshirildi.



bolaning o'ziga xos ehtiyojlari inobatga olingan holda, kun davomida tarbiyachi va malakali defektolog-mutaxassislar tomonidan parvarish qilinadi.

Markazning asosiy maqsadi – bolalarning sog'lig'ini tiklash, ijtimoiy moslashuvini qo'llab-quvvatlash hamda kelajakda jamiyatga faol qo'shilishlari uchun zarur sharoit yaratishdir.

Hozirda 12 nafar nogironligi mavjud bolajonlarni qabul qilingan markazda 5 nafar xodim ish bilan ta'minlangan.

Gap shundaki, mahalliy tadbirkor Botir Rajapovning sa'y-harakati bilan hududda nogironligi bo'lgan 3 yoshdan 16 yoshgacha bolalar uchun “Kunduzgi parvarish xizmati” yo'lga qo'yildi. Ushbu markazda har bir

Дарҳақиқат, Мавжуда Аширова чин маънода касбидан саодат топган аёл дейиш мумкин. Унинг босиб ўтган умр йўли, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, муаллим сифатидаги кўп йиллик ҳаётий тажрибаси ёш авлод учун ибрат ва намуна мактабидир.

М.Аширова дастлабки фаолиятини 1970 йилда Чирчиқ шаҳридаги 22-умумтаълим мактабида етакчиликдан бошлаган. Кейинчалик шаҳардаги 12-мактабда бошланғич таълим ва тарих фани ўқитувчиси сифатида 10 йилдан зиёд дарс берган. 2 йил ўқувчилари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлагач, 1984 йилда мазкур мактабга директор этиб тайинланади. У босқичма-босқич турли вазифаларда ишлар экан, мактабнинг ички тизими, ўқитувчилар жамоасининг

салоҳияти, ўқув жараёнларининг самарадорлигига жиддий эътибор қаратди. Ўзлаштирган тажрибалари унинг теран билимли, адолатли ва жамоани руҳлантира оладиган раҳбар сифатида шаклланишида муҳим омил бўлди.

2000 йилдан буён М.Аширова Чирчиқ шаҳридаги 7-умумтаълим мактаби директори вазифасида ишлаб келмоқда. Шу йиллар давомида у таълимни модернизация қилиш, замонавий ўқитиш усулларини жорий этиш ва ўқитувчилар малакасини ошириш борасида юқори талабчанлик кўрсатиб келмоқда.

Устознинг педагогик маҳорати ва кўп йиллик меҳнатлари эътибордан четда қолмади. У “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” унвони билан тақдирланди.

– Устозлик фақат фан асосла-

рини ўргатиш билан чекланмайди, – дейди Мавжуда Аширова.

– Биз ўқувчиларни тарбиялашимиз, уларни мустақил фикрлашга, шунингдек, Ватанини севиш, қадриятларимизни қадрлашга ўргатишимиз керак. Ҳар бир ўқувчи алоҳида эътибор ва тўғри ёндашувни талаб қилади, уларнинг шахсий қобилияти ва қизиқишларини ривожлантириш эса устознинг муҳим вазифасидир. Бугунги давр тез суръатларда ривожланиб бораётгани туфайли таълим тизими ҳам доимий равишда янгиланиши талаб этмоқда. Шунинг билан, мактабимизда таълим сифатини янада яхшилаш, замонавий ўқитиш технологияларини жорий этиш, ўқитувчиларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш ҳамда ўқувчиларга самарали таълим муҳитини яратиши фаолият-

тимнинг бош йўналиши деб биламан. Тажрибама таяниб айтишим мумкинки, педагог ўз устид мунтазам ишласа, янгиланишни ўзлаштириб, ўқув жараёнига татбиқ этса, натижа ҳам юқори бўлади. Ўзим ҳам доимий изланишдаман. Таълим соҳасида фаолият юритиш мен учун катта масъулиятдир.

Дарвоқе, эл-юрт ҳурматини мерос қилиб бўлмайди. Унга фақат ҳалол меҳнат қилиб, ёниб яшаганларгина эришилади. Мавжуда Аширова шундайлар тоифасидан эканлигидан жамоаси, ўқувчилари, яқинлари фахрланишади. У каби педагоглар бор экан, мамлакатимиз таълим тизимини ривожланиш ва юксалиш йўлини давом эттириверади.

Нозима АРСЛОНОВА

▼ Фахр

Сўнгги йилларда юртимизда спортга бўлган эътибор сезиларли даражада ошди. Айниқса, иқтидорли ёшларни аниқлаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли мусобақалар ташкил этилмоқда. Шундай турнирлардан бири – куни кеча якунига етган “Президент олимпиадаси”.



Кичик олимпиададаги

КАТТА НАТИЖАЛАР

Илк бор ўтказилган мазкур мусобақа юз мингдан ортиқ ёшларни қамраб олди. Улар орасидан энг кучли уч мингдан зиёд ёш спортчилар республика босқичида спортнинг 10 тури бўйича ўзаро беллашдилар. Мазкур турнирда юқори натижа қайд этган спортчилар тўғридан-тўғри терма жамоаларга йўналтирилиши билан аҳамиятлидир.

фиётлари ҳақида гап борар экан, улар қаторига вилоятимиз фарзанди Садафбону Нусратиллоевани алоҳида таъкидлаш жоиз. У қизлар ўртасида 2000 метрга

ота-онаси уни 12 ёшида энгил атлетика спорт тўғрисида беришади. У Фарҳод Салоҳиддинов қўл остида мазкур спорт тури бўйича сабоқ ола бошлади. С. Нусратиллоева ўзининг интилувчанлиги, иқтидори билан тендошлари орасида ажралиб турди.

лайди. Шунингдек, 1500 метр масофада 4:45,18 натижа билан мазкур ёш тоифасида мусобақа рекордини янгилайди.

рат бўлади. Мен бироз чалғиб, охири айланага етганимни билмай қолдим. Сўнгги айланада бор кучимни ишга солишни режалаштирдим. Шу боис натижа кутганимдан бироз паст бўлди. Шукур, барибир мақсадимга эришдим.



– Садафбонудаги шижоат кўпгина тажрибали спортчиларда ҳам учрамайдими, – дейди мураббийи. – У ҳеч қачон чекинмайди. Ҳатто, оддий машғулот жараёнларида ҳам мағлуб бўлишни хоҳламай бор кучи билан ҳаракат қилади. Бу муваффақиятларининг асосий сабаби деб ўйлайман.

– Садафбону учун мусобақа тарихидаги энг яхши натижани қайд этиш одатий ҳолга айланди. У бу аънанани “Президент олимпиадаси” спорт уйинларида ҳам давом эттирди. Тошкент вилояти жамоаси аъзоси юқорида таъкидлаганимиздек, 18 ёшга бўлган тўсиқлар оша югурувчилар орасида мамлакат рекордини янгилади.

Дарвоқе, барча шитирокчилар мазкур нуфузли турнир билан банд бўлиб турган пайтда Садафбону мусобақадаги иштирокидан 2 кун ўтиб, Андижонда ташкил этилган катталар ўртасидаги Silk road халқаро марафонидо ҳам иштирок этди. У 21 км. масофада фахрли учинчи ўринни эгаллаб, спорт устаси нормативини бажарди. 17 ёшли спортчи учун бу улкан ютуқ.

Шунингдек, улар келгуси мусобақаларга пухта тайёргарлик қўришлари учун Олимпия ва Паралимпия марказларига қабул қилинади. Бу катта спортга энди қадам қўяётган ёшлар учун катта имконият демакдир.

тўсиқлар оша югуриш беллашуварларида 6:39,6 вақтда финишга етиб келиб, биринчи ўринни эгаллади. Шу билан бирга, мазкур натижа билан Ўзбекистонда 18 ёшга бўлган ўсмирлар рекордини ҳам янгилади. Аввалги рекорд Насима Мамировага тегишли бўлиб, у 6:44,05 натижа қайд этган эди. Яқунда давлатимиз раҳбари “Президент олимпиадаси” уйинларининг голиби ва совриндорларига йўллаган табригида унинг бу ютуғини алоҳида эътироф этиб, “Спорт соҳасидаги илк қадамларини қадрдон маҳалласидан бошлаган, бугун ўз ҳудудининг шарафини дадил ҳимоя қилган бу фарзандларимиз келгусида жаҳон ареналарида Ватанимиз шухратини бутун дунёга тараннум этади”, дея таъкидлади.

– Шу мағлубият ҳаётимиздаги туб бурилишга сабаб бўлган, – дея эслайди чемпион. – Ўшанда бир нарсани англаганман: мағлуб инсоннинг дўсти бўлмас экан. Голиблинг атрофи эса таниш-но-таниш дўстлар билан тўлади. Шундан бери ҳар қандай турнир, у хоҳ оддий машғулот жараёни бўлсин, хоҳ нуфузли мусобақа – голиблик учун астойдил ҳаракат қиламан.

– Голиблик тез унутилади, – дейди С. Нусратиллоева. – Рекордларни эса анча вақт эслаб юри-

Таъкидлаш лозимки, мусобақа биринчи ўтказилишидаёқ ўзини оқлаб, ўзбек спортда янги номларни кашф этиб берди. Буни турнир давомида бир нечта Ўзбекистон рекордларининг янгилашгани тасдиқлаб турибди. Айниқса, Тошкент вилояти спортчиларининг муносиб иштирокини алоҳида эътироф этиш лозим.

– Бу менинг эмас, устозларим, қолаверса, ота-онамининг ютуқлари, – дейди ёш чемпион. – Турнир аввалида чемпион бўлишни, шу билан бирга рекордини янгилашнинг мақсад қилганимиз. Шукур, мақсадимга ортиғи билан эришдим.

Унинг бу сабоғи кўп ўтмай ўз мевасини беради. 2023 йилда Қирғизистонда ўтказилган 16 ёшга бўлган ўсмирлар ўртасидаги халқаро турнирда Садафбону 800 ҳамда 1500 метр масофага тўсиқлар оша югуриш беллашуварларида биринчи ўринни эгал-



шади. Шунинг учун доим олтин медаль билан кифояланмай рекордларни янгилашга ҳам ҳаракат қиламан. Аслида, “Президент олимпиадаси”да натижа бундан яхшироқ бўлиши керак эди. 2000 метрга тўсиқлар оша югуриш баҳслари 4 та айланадан ибор-

дига мақсад қилган. Бу йўлда унга омад ва зафарлар тилаймиз. Зеро, Садафбону сингари Янги Ўзбекистон ёшлари Маҳорат, шижоат баҳида дунёнинг ҳеч бир спортчисидан кам эмас.

Сухробон САДИРОВ,
“Тошкент ҳақиқати”
шарҳловчиси

▼ Дарвоқе

ҚИШ – ТАШВИШ ЭМАС, қувонч фасли бўлсин

Қиш фасли ҳар биримиздан уй-рўзғор тутумида ўзгача эътибор ва тежамкорликни талаб қилади. Ҳаво ҳарорати пасайиши билан иссиқликни сақлаш, иссиқлик манбаларидан тўғри фойдаланиш, шу билан бирга, хавфсизлик қоидаларига амал қилишнинг аҳамияти янада ортади.

Айниқса, мамлакатимизда кўплаб хонадонларда газ печи, иссиқлик котёллари ва турли иситкичлардан фойдаланилаётганини инобатга олсак, ис газидан заҳарланишдан эҳтиёт бўлиш ҳар бир оила учун жуда муҳим.

Қиш мавсуми бошланишидан олдин газ печи, иссиқлик котёллари, иссиқ сув колонкалари, дудбурон ва вентиляция каналларини, албатта, мутахассисга текширтиринг. Носозликлар ис газини йиғилишига сабаб бўлиши мумкин.

Қуйида қиш мавсумида уйни иссиқ сақлаш, иссиқликни тежаш, шу билан бир қаторда ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш бўйича ҳар бир хонадон амал қилиши керак бўлган оддий ва ишончли тавсияларни жамладик.

Хонада ҳаво айланиши (вентиляция)ни таъминланг. Иссиқлик қозонхонаси ишлаётган жойда ойна ёки форточка қисман очиб туриши керак. Ҳаво айланиши йўқ жойда ис газини бузилади ва ис газини ажрала бошлади.

Иссиқликнинг энг катта йўқотилиши – эшик ва деразалардаги бушлиқлар орқали содир бўлади. Эшик-деразаларнинг резинкалари шикастланган ёки қуриб қолган бўлса, уларни албатта алмаштириш лозим. Аънанавий ёғоч эшик-ромлар бўлса, уларни целлофан билан тўсиш мумкин. Бу ишлар катта харажат талаб қилмайди, аммо иссиқлик самарадорлигини 20-25 фоизга оширади.

Газ плиталари ёнида ухламанг! Кўп ҳолларда заҳарланиш газ плитасини ёниқ қолдириш, совуқ деб эшиткан ва ойнани қаттиқ ёпиб қўйиш ортидан рўй беради. Газ ёнаётган пайтда хонанинг

Қишда қалин пардалар нафақат безак, балки иссиқликни икки баробар яхшироқ сақлаб турадиган табиий тўсиқ вазифини ҳам бажаради. Тунда уларни ёпиқ ҳолда ушлаш уйни ортиқча совиб кетишдан муҳофаза қилади. Кундуз кунлари эса қуёш нурлари учун очиб қолдириг.



Пол орқали иссиқликни йўқотиш даражаси 10-15 фоизни ташкил қилади. Шу сабабли гилам тўша ш нафақат оёққа илиқлик беради, балки ҳаво ҳароратини барқарор сақлашда ҳам ёрдам беради.

Ҳаво айланиши асло мумкин эмас. Иситиш мосламаларининг устига буюм ёки қуритиш учун кийим қўйманг. Бу нафақат ёнғин турши, балки хаво айланишини тўсиб, ис газини чиқишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Иссиқлик батареялари олдида қайтарувчи фольга жойлаштириш тавсия этилади – бу энергия тежамкорлигига ижобий таъсир қилади.

Кўмир ёки ўтин билан иситилган печларда бошқа жисмлар, масалан, пластмасса, резина ва шунга ўхшаш ашёларни ёқиш асло мумкин эмас. Печь эшикларини ва қопқоқларини зич ёпилган бўлиши шарт.

Агар уйингизда доим фойдаланилмайдиган хоналар бўлса, уларни ёпиқ ҳолда ушлаг. Бу иссиқликнинг фақат асосий хоналарда сақланишини таъминлайди ва иссиқлик ресурсларини анча тежайди.

Ис газидан заҳарланишнинг илк белгилари: бош айланиши, кўнгли айниши, ҳорғинлик, бош оғриши, ҳушнинг пасайиши билан намоён бўлади. Шу белгилардан бири пайдо бўлса ҳам дарҳол очиб қўйиш керак, газ қурилмаларини ўчириш ва тез ёрдам чакориш керак.

Ис газидан заҳарланишнинг олдида қайтарувчи фольга жойлаштириш тавсия этилади – бу энергия тежамкорлигига ижобий таъсир қилади.

Ис газидан заҳарланишнинг олдида қайтарувчи фольга жойлаштириш тавсия этилади – бу энергия тежамкорлигига ижобий таъсир қилади.

ИССИҚЛИКНИ ТЕЖАШ

Рағни ва ҳиди йўқ бўлгани учун ис газини сезиб бўлмайди. Шу боис уни “шарпасиз хавф” деб ҳам атайдилар. Ўткир заҳарланиш кўп ҳолларда газдан нотўғри фойдаланиш, ҳаво айланмаси етарли бўлмаганлиги ёки печь, котёл ва иситиш ускуналарининг носозлиги сабабли юзага келади.

ҚИШНИ ТЕЖАШ

Қиш шароитда уйни иссиқ сақлаш ва иссиқликни тежаш учун оддий кундалик одатларни ўзгартиришнинг ўзи етарли. Бироқ иссиқликдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига амал қилиш бундан ҳам муҳим. Ис газидан заҳарланиш кўпгина оддий эътиборсизликдан юзага келади ва оқибати жуда оғир бўлиши мумкин.

“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Зухриддин РАҲМОН
тайёрлади

КЕЛИШУВГА... КЕЛИШИЛМАДИ

Президент Путин ва АҚШ махсус вакили Уиткофф ўртасидаги беш соатлик ёпиқ музокара формати бу учрашувни одатий дипломатик алоқалардан ажратиб туради. Унинг узоқ давом этгани ва сир тутилгани, томонлар ошқора қилиб бўлмайдиган масалаларни муҳокама қилганини кўрсатади.



Ёпиқ режимда ўтказилган музокаралар деярли доимо ўта нозик йўналишлар муҳокама қилинаётганини аниқлади. Эҳтимол, гап аниқ келишувлар ҳақида эмас, балки кейинчалик мулоқотни йўлга қўйиш мумкин бўлган масалалар борасида кетган. Ёрдамчи Ушаков музокарада муросага эришилмаганини билдирди. «Ҳозирча муроса варианты топилмади. Америка лойиҳаси муҳокамага муҳтож, таклифларнинг ҳаммаси ҳам бизга тўғри келмайди».

Муросага эришилмаган бўлса-да, Ушаков делегациялар учрашувини жуда “фойдали, конструктив ва мазмунли” деб атаган.

Давлат котиби Рубио Украиндаги урушни тўхта-тиш бўйича АҚШ ва Россия ўртасидаги музокараларда силжиш борлигини маълум қилди. «Бироз силжишга эришдик – украинлар нима-ларга рози бўлиши мумкинлигини аниқлаш, бу эса уларга келажақда хавфсизлик кафолатларини беради, уларга нафақат иқтисодийни тиклаш, балки гуллаб-яшнаш, иқтисоди ривожланган давлат бўлиш имконини беради».

Таҳлилчилар Москва учун Вашингтон босим ўтказиш йўлидан қанчалик чекиниб, хавфсизлик, санкция сиёсати, жаҳон иқтисодиётидаги хаттарларни минималлаштириш механизmlарини аниқ муҳокама қилишга тайёр эканлигини тушуни олиш муҳим эканлигини таъкидлашади.

Америка босими мавзусида деярли тўлиқ сукут сақлаши кизиқ. Венесуэла – рус курол-аслаҳалари, жумладан, ҳаво ҳужумидан мудофаа (ХҲМ) тизимлари, жанговар вертолётлар ва самолётларнинг муҳим харидорларидан.

Венесуэланинг “боливариан” режимига ҳозир Калашников автоматлари ва ўқ-дорилар керак эмас. Американинг эҳтимолий ҳужумини қайтариш учун Мадурога ХҲМ воситалари, дронлар ва зенит ар-

тиллерияси зарур. Москва Жанубий Америкадаги иттифоқчиси учун ҳақиқий курашишга тайёр эмас, дейиш мумкин.

“Путин Вашингтоннинг қатор таклифларига нисбатан “танқидий ва ҳатто салбий муносабатини” яширмаган. Учрашувда “аниқ ҳудудий муаммолар” муҳокама қи-

линган”, деб хабар берган у. Муросага эришилмаган бўлса-да, Ушаков делегациялар учрашувини жуда “фойдали, конструктив ва мазмунли” деб атаган.

Таҳлилчилар Москва учун Вашингтон босим ўтказиш йўлидан қанчалик чекиниб, хавфсизлик, санкция сиёсати, жаҳон иқтисодиётидаги хаттарларни минималлаштириш механизmlарини аниқ муҳокама қилишга тайёр эканлигини тушуни олиш муҳим эканлигини таъкидлашади.

Учрашувда, шунингдек, эҳтимолий санкциялар, иқтисодий ҳамкорлик, жумладан, “Шимолий оқим” газ қувурларидан фойдаланиш ва савдо мавзулари қўриб чиқилгани айтилади...

Америка босими мавзусида деярли тўлиқ сукут сақлаши кизиқ. Венесуэла – рус курол-аслаҳалари, жумладан, ҳаво ҳужумидан мудофаа (ХҲМ) тизимлари, жанговар вертолётлар ва самолётларнинг муҳим харидорларидан.

Венесуэланинг “боливариан” режимига ҳозир Калашников автоматлари ва ўқ-дорилар керак эмас. Американинг эҳтимолий ҳужумини қайтариш учун Мадурога ХҲМ воситалари, дронлар ва зенит ар-

Қорабўғ ҳудудига тааллуқли эмаслиги билан ўзини оқлаган эди. 2024 йилда Кремль Суриядаги иттифоқчи Асад режимини ағдарган кучларга ҳам қарши чиқолмаганди. Осие, Африка, Жанубий ва Марказий Американинг қатор йирик давлатлари Вашингтонга қарши кўпгина ёлғон кураш сиёсати олиб боришади. Москва эса йиллар давомида бу давлатларни ўзининг иттифоқчи ва дўсти эканлигига ишонтиради. Агар Мадуро ағдарилиб, ҳокимиятга ғарбпараст мухолифат келса, РФнинг қандай “дўст”лиги аён бўлади...
Абдор ХОН,
халқаро шарҳловчи



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abdusovit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,
nashr uchun mas'ul:
Suhrobjon SADIROV

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchesi:
To'xtamurod HASANBOYEV

Ekspeditor:
Behruz NURBOYEV

Qabulxonasi:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 20.00.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-1135.

2 430x300 mm chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Шанба мутолааси

Олимнинг хос хонаси шинам, анчайин кенг экан. Деворларга ёш йигит, урта ёш эркак, чол портрети чизилган суратлар осилган. Разм солсам, барчасида бир сиймо, фақат турфа кайфиятда.

Олимнинг “Хизмат?” дегандек қарши ҳаёлимни йиғишга мажбур этди. Мен унинг жиддий қиёфасига қараб туриб биров ўнгайсилан-дим-да, муддаоимни айтдим.

– Кечирасиз, мен сизга ёрдам беролмайман. Мени тўғри тушу-нинг, азиям, – деди иложи борича юмшоқроқ гапиршига уриниб олим. – Ахир, мен миллат ичида ким феномен-у, ким мундайроқ, қаердан билай?..

– Ахир, сиз олимсиз-ку? – дедим сўзини кесиб.

– Тўғри, шундай дейишди. эгу ишлар қилувчи шахслар психоло-гия ҳақида илмий иш қилганим ҳам рост. Аслида эса, мен шўғул-ланадиган нарса, бу – фан. Сиз эса мутлақо бошқа нарса ҳақида: инсон шахсияти ҳақида савол беряписиз... Уримдан маънос кўзгалдим.

Эшик тарафга йўналарканман, беихтиёр боғга йигитнинг сурати қаршида тўхтадим. Ҳозир расм томоша қилишнинг мавриди эмас-лигини билсам-да, кўнглим менга шу расмга қарашимни шу топда қан-дайди шарт қилиб қўйгандек эди. – Расм ёқдими?

Ўғирлидим. Олим меҳр тўла кўз-ларини менга тикканча жилмаяр эди.

– Гапирмасангиз ҳам, кўзларин-гиз айтиб турибди, – деди олим. – Расм сизга ёққанидан хурсандман.

Қулоқларимда унинг сўнги сўз-лари такрор-такрор жаранглари: “Сиздан яшироқчи, лекин ўтқир нигоҳингиз сир қаерда – дар-ров илғай қолди. Дидингиз олдида мағлуб бўлдим. Бу сурат феномен одамники”.

Мен ўзим излаётган феномен-ни топганимдан ўзимда йўқ сархуш эдим.

Икки кун ўтиб, айтилган вақтда олимникига йўл олдим.

– Яхшимисиз? – деди олим крес-лога ўтирганимдан кейин менга ўша меҳрибон кўз билан боқиб. – Феномен одам ҳақида билиш фик-рини яна бир ўйлаб кўрдингизми?

– Ўйлаб кўрадиган нарсанинг ўзи йўқ, – дедим дарҳол олимнинг ик-киланишни билдирувчи бу гапидан ичимдан зил кетиб. – Сиз менга у инсон ҳақида сўзлаб бераман де-гандингиз...

– Сизга “Феномен одам” деб таъриф берган кишининг исми – Муқаддас, Муқаддас Алиевич. У билан Москва давлат университет-тида бирга ўқиганмиз, ўша ерда та-нишганимиз. Унинг шахсияти ҳақида дабдурустдан айтиб бериш осон эмас. Гап – у одамнинг мураккабли-гида эмас, йўқ, у умуман, мураккаб одам эмас, у жуда дилқаш, содда, самимий киши. Кўрсангиз, ҳатто ёш боланинг ўзи дейсиз баъзан. Фақат бир тарафи борки, уни тушуниш осон эмас. Ломоносовда унга тенг келадиган талаба бўлмасди. Жаҳон адабиётининг машҳур сиймолари асарлари билан таниш, ўзимизни-килардан Навоий билан Ҳайёмнинг асири. Ўзи ҳам ижод қилади. Бироқ ёзганларини ёндириб юборди...

– У нима ҳақда ёзарди?

– Кўнглингизга олманг-у, ҳамма нарсани бирданга билишга қи-зикркансиз.

Уэр сўрадим. Олим тамакисини қулдонга босди-да, девордаги расм-ларга қараб қўйди.

– Мен у ҳақда шу пайтгача ҳеч кимга оғиз очиб сўзлаган эмасман. Биз ётоқхонада бирга яшардик. Унда умрим бини бўлиб ҳеч кимда учрат-маган жиҳатларни кўрганман. У, менинча, ҳеч ўзини ўйламасди, лекин бошқаларни ҳам ўйламайдигандек таассурот қолдирарди. Хонада кўп-инча унинг ўзи бўларди, мен у билан сиқилиб қолардим, бошқа ўртоқла-рим билан чақчақлашгани чиқиб кетардим. У ҳеч ким билан деярли муомала қилмасди. Курсдошлар за-рур бўлганда у билан муомала қилиб туришарди, чунки, боя айтганимдек, у жуда билимдон эди. Уни, назаримда, ҳеч ким ва кўп нарса қизиқтирмасди. У мен билан ҳам камдан-кам гаплар, шундайим ғалати гапларни гапирарди. Мен кейинроқ уни нарсалар, айниқса, одамларнинг табиати қизиқтириши-ни билиб қолганман. У юз бераётган воқеаларга эмас, балки уларнинг э-баби ва келиб чиқиш шариоитига эъти-бор қиларкан...

Эшик кўнгираги чалинди. Олим узр сўраб, чиқиб кетди. Мен ёлғиз қолдим. Уримдан туриб ҳалиги расмларнинг кайтадан кўз ўнгимдан ўткази бошладим. Негадир бирор-таси мени ўзига ром этмади. Фақат

билагига қизил илон ўраган йигит расми тамомила ме-нинг кўнглимга мувофиқ эди. Сурат қаршида тик турган-ча яна ҳамма нарсани унутдим.

У қайтиб келганда ҳолатимни кўриб, табассум қилди. Рассом ким-лигига қизиқдим.

– Бу суратни у ўқитувчи бўлиб ишлаётган пайтларда чизганман. Бироқ осон бўлгани йўқ, буни чизиш учун етти йил машаққат чекишимга тўғри келган.

– Етти йил? – Ҳа, етти йил. Расмда феномен одам умрига, яшашдан мақсадига ишора бор. Қаранг, – олим ўрнидан турди. Сурат олдида борди-да, да-вом этди. – Қўлидаги илонга қандай маъно бердингиз?

– Дабдурустан бир нима дейиш қийин... – тутилдим мен. – Лекин тахмин қилиш мумкин. Масалан, илон – нафс рамзи бўлиши мумкин. Расмдаги йигит ўз нафсини ўзига асир этган... – Балки... – деди.

– Сиз илон орқали нимани назар-да тутгансиз?

– Ҳа... Мен хатарни назарда тут-гандим.


– Қандай?

– Хатарки, инсонга, унинг қалби-га доимо ҳадик, бахтсизлик солиб туради. Одам ундан сира қутулол-майди – қачонки у билан тинмай курашмаса. Муқаддас бир умр шу хатар билан курашиб яшади. У куч-ли инсон эди. Лекин у ҳам бу “илон”-

нимни, танимаганимни ўшанда илк бор идрок этганман.

Олим менга папка берди. Папка-да Муқаддас Алиевичнинг биргина хати ва унга олим томонидан ёзил-ган қарийб бир том китоб ҳажмидаги изоҳлари жамланган экан. Шундан кейин мен бир неча кун унинг хатла-рини ўқиш билан банд бўлдим.

Умрингизда сиз ҳам ўзингизга “Мен нечун туғилдим?” дея савол берганимиз? Буни ўйлаганим сари нимагадир шошасан. Лекин нимага – буни билолмайман. Бу саволга ҳар ким ҳар хил тахминий жавоб айтиши мумкин. Муқаддас Алиевич ҳаётида ўз олдига қандай савол турган бўлган:



Абадият ФОРМУЛАСИ

(Хикоя)

га бас келолмади. Қаранг: суратда илонни қўлидан қисиб турибди, лекин бу илон ўлди дегани эмас, қачондир, йигит чарчайди ёки уни уйку элтади. Илон эса сирғалиб яна унинг қўлидан қутулиб кетади.

– Лекин суратда йигит голиб қиё-фада тасвирланган...

– Тўғри айтасиз, – олимнинг юзи ёришди. – Мен ҳам шуни ис-таганман. Суратга ҳам ўз орзуимни нақшладим...

Ишларим юришиб кетди. Мен олимникига ҳар кун қатнар, у билан мириқиб суҳбатлашиб, фено-мен одам ҳақида жуда кўп нарсал-ар биллиб олаётгандим. Бир нарса мени ажаблантирди, Москвадаги ўқишни битиришгач, олим билан Муқаддас Алиевич бир-икки сафар-ни ҳисобга олганда деярли учра-шишмаган экан. Лекин олимнинг ўз дўсти ҳақидаги гаплари, фикрлари, мулоҳазалари бир умрга еттулик да-ражада кўп эди.

– Муқаддас Алиевич абадийлик формуласини кашф этди. Бу ҳақда охиригиз ёзган хатида хабар қилган-ди. Ушанда мен иш юзасидан Москва-га бордим. Уни топганим осон бўлма-ди. Бир кун кўчада биз билан бир даврда ўқиган танишлардан бирини кўриб қолдим, у Муқаддасни тез-тез марказий кутубхонада учратишини айтиб қолди. Уша ердан топдим. Банима ерда беҳос учратганимда танимас эканман: соч-соқоли ўсиб кетибди, кийимлари йиртиқ-ямоққа тўлиб-тошибди, чўлдай озиб, кўз-ларни киртайиб қолибди. Аҳолини кўриб юрагим оғриб кетди, йиғлаб юборай дедим. Кўчочлашиб қўриш-дик. Бекатда хайрлашганимизга роса беш йил тўлганда ушанда... Гарчи аҳоли ёмон бўлса-да, ол-дингидай тоза-озода эди, тишлари бир пайтлардагидек оппоқ ялтйрар-ди. Қарасам, “Мени ўз ҳолимга қўй” дегандек асталик билан ўз ишига шўнгиб кетмоқчи. Қўярда-қўймай уни кўчага бошладим. Шаҳар ай-ландик. “Кечқурун борадиган жойим йўқ”, дея уни алладим. Мақсадим қаерда, қандай шароитда яшашапти – билиб олиш эди. Қандайдир ўрмон ёқасида кимнингдир чорбоғида қо-ровуллик қилар экан. Хуллас, ғариб бир макон ичра қандайдир тахталли уйчада яшаркан. Қулбаси гарчи ға-рибона бўлса-да, озода эди. Мен у билан бир неча кун қолдим. Иш-ларига ёрдамлашдим, ерига қараш-дим. Ҳар кун бўлмаса-да, икки-уч бора кечқурунлари мириқиб суҳбат-лашдик. Бу суҳбатлар қалбимда бир умрга қолди. Уни олдин билмага-

кетарди. Мен буни унинг биринчи хатини ўқиганимдаёқ сезгандек бўл-дим. Мана, ўша мактуб:

“Хатларинг учун ташаккур! Ҳаёт тарзимга шамма қилганинга қулгим қистади. Лекин шўгина эмас, бугун негадир сен ҳаққа ўхшаб кўриндинг. Аммо сени тўлиқ эътироф қилгани асосим етарли эмас. Ўзимни ҳам ҳақ деёлмайман. Одам нима учун яшаш зарурлигини англамай туриб қандай қилиб яшасин? Бироқ яшаш моҳиятига етгунча ҳам тирикчилик қилишга тўғри келади. Мен ҳам ти-рикчилик қилганман. Тўғри, мўқим иш жойи топганим йўқ. Ахир, мақсад қорин тўйдириш бўлгач, доимий иш ўрнининг нима кераги бор?”

Одам бошқа нарсасга чалғиса, асосий саволга жавоб топишга фурс-ати етмай қолади. Асосий савол эса ўша-ўша: “Нега туғилдим? Улиш учунми? Улмасликнинг йўли борми? Бўлса, қандай ва қаерда??” Мана, сенга жавобим!!! Ишларингга омад. Кўп ҳам хавотир олаверма. Менга ишонсанг-чи!..”

Кимгадир урилиб кетдим. Ўзимга келдим. Нима бўлганини, ким бил-лан тўқнашиб кетганимни билганим қарардим. Қарардим-у, анграйдим... Соч-соқоли ўсган, кийимлари йир-тиқ-ямоқ, ёшини аниқлаш осон бўл-маган чолсиймо бир эркак. Эғлиб мен билан тўқнашиб кетганда ерга тушган хуржунини олди-да, қадди-ни ростлади. Мен хижолат тортидим, кечирим сўрамоқ учун оғиз жуфтла-ган ҳам эдимки, у тутақиб бир-икки оғиз аччиқ сўз айтиш урнига менга қараб жилмайди. Оғзи андак очил-ганда дурдек оқ тишлари ярақлаб кетди. Чехрасида нурунийлик мавж урди. Мен тахтадек қотиб қолдим. Чол секин-аста тирикчилик денги-зида сузаётган халойиқ ичра сингиб кетди. Ҳушимни йиғиб олганимда кўчада одам сийрақлашган, осмон бўйлаб шом оқиб келмоқда эди...

– У “Абадийлик формуласи” де-гани билан мен уни сал эсган шамол ҳам нозик шимни хомус этгандек ўчириб кетади деб ўйлардим. Бу ўй кўнглимга доимий ҳадик, хавотир бунгарди. Кечасио кундузи хаёлим-дан чиқмасди у. Ахир, биз қиёматлик қадрдонлар эдик-да. Унинг мендан кўчада одам сийрақлашган, осмон бўйлаб шом оқиб келмоқда эди... ***

– У “Абадийлик формуласи” де-гани билан мен уни сал эсган шамол ҳам нозик шимни хомус этгандек ўчириб кетади деб ўйлардим. Бу ўй кўнглимга доимий ҳадик, хавотир бунгарди. Кечасио кундузи хаёлим-дан чиқмасди у. Ахир, биз қиёматлик қадрдонлар эдик-да. Унинг мендан кўчада одам сийрақлашган, осмон бўйлаб шом оқиб келмоқда эди... ***

бу суратда Муқаддас ҳали ғўр бир йигит. Аслида, уни ғўр деб ҳам бўл-масди, фақат ўшанда мен шундай фикрда эдим... “Юзида нима ифо-даланган бу йигитнинг?” дея ўйла-гандирсиз, балки. Мана, бунисини, – олим бир неча қадам юриб, яна бир расмини кўрсатди, – у билан Мо-сквада сўнги бор учрашганимдан кейин, аҳолидан қаттиқ мутаассир бўлиб қайтгач, чизганман...

Суратда соч-соқоли ўсиб кетган дарвишсифат чол гавдалантирил-ган. Қўлида тўрва халта... Ё Худо, мен қаерда кўрганман бу одамни? Астафурдиллох!!.. Ё тавба!..

– Мен бу одамни кўрганман! – хитобимдан ҳатто олим ҳам салчиб тушди.

– Нима?! – деб юборди беихтиёр.

– Ҳа, ҳа! Ўтган ҳафтада... Хиё-бонда...

Олим негадир илжайди. Мени эса бу илғайиш сескантириб юборди.

Эртасига олимнинг қоп-қора шим-костюмда, қора галстукда пешвоз чиққанини кўриб ҳайрон бўлдим.

– Эътибор қилманг, – деди олим, – бугун мен сизга қолган-қутган га-ларимни ҳам айтиб олмақчиман. Гарчи мен Муқаддаснинг ватандаги ҳаётини кўзим билан кўрмаган бўл-сам-да, озмунча биламан. Қайтиб келса, бир ишнинг бошини тутса, унга осон бўлади деб ўйловдим. Адашган эканман. Ўқитувчи бўлиб ишга кирди ҳамки, ҳаёти яхшилан-мади, қайтанга азобга айланди. Гап шундаки, у жиддий кўрингани билан, аслида, жуда таъсирчан одам эди. Одамлар эса ўз номи билан одамлар. Икки дунёда ҳам одам бўлмайди бу одамлар. Бундан ташқари, Муқаддасга ўхшаганлар-ни ким ҳам тушунарди? Қайси мард феномен одамни, ноёб истеъдодни, фавқуллода ҳодисани тан ола би-ларди дейсиз? Унга кун беришмади, товоғига заҳар солишди, ортдан товоғи отишди. Буни ўлимидан сўнг қўни-қўшиларида ҳам эшитдим. Муаммо шундаки, Муқаддасга ўх-шаган минг йилда бир туғилувчи инсонларнинг ойнадай мусаффо кўнгиллари одамларнинг гарду доғ хира тортирган дилига сира мос тушмайди. Ундайлар жамият ичида ўзини ёлғиз, ғариб, бахтсиз сезади.

Олим узок сукутга толди. – Мен абадият формуласини ечолганим йўқ ҳали. Муқаддас ай-тарди: “Уни ҳар бир қалб ўзи ечади”. Йўқса, ўша масала ечимини менга мерос қолдирмасми? Менинг ун-дан бор-йўқ меросим шу суратла-

рим, унинг менга ёзган иккитагина хати... – Олим менга қаради, юзида ёш боланинг хархаша қилгандаги ҳо-лати ифодаси пайдо бўлганди. – Ле-кин, ўйламанки, шўгина холос деб. Йўқ! Яна қанча суҳбату масофадан қилган мулоқотларимиз, унинг қал-бимга узатган маъно гавхарлари...

– А?!

– Ҳа, ҳа! Ҳайрон бўлманг, сизни менга у мерос қолдирган!..

Мен олимникида қолишга хоҳиш билдирдим. Алоҳида хонага жой со-либ берди-да, чиқиб кетар экан:

– Феномен одам билан яна учра-шиб қолсангиз, мени албатта чақи-ринг, – деди юзи порлаб.

Унинг ҳазилидан кайфиятим кўтарилиб, ўзимни хушхол сездим.

– Сурат тарихи ҳақида гапириб бермадингиз, – дедим мен унинг ҳаёлини тарқатиб юбормаслик учун мулоийим тарзда.

– Мен бу расмларнинг бирин-чисини ўқишдан қайтганим заҳоти чизгандим, – дея олим суратлардан бирининг олдида борди. – Қаранг:

– Сурат тарихи ҳақида гапириб бермадингиз, – дедим мен унинг ҳаёлини тарқатиб юбормаслик учун мулоийим тарзда.

– Мен бу расмларнинг бирин-чисини ўқишдан қайтганим заҳоти чизгандим, – дея олим суратлардан бирининг олдида борди. – Қаранг:

– Сурат тарихи ҳақида гапириб бермадингиз, – дедим мен унинг ҳаёлини тарқатиб юбормаслик учун мулоийим тарзда.

– Мен бу расмларнинг бирин-чисини ўқишдан қайтганим заҳоти чизгандим, – дея олим суратлардан бирининг олдида борди. – Қаранг:

– Сурат тарихи ҳақида гапириб бермадингиз, – дедим мен унинг ҳаёлини тарқатиб юбормаслик учун мулоийим тарзда.

– Мен бу расмларнинг бирин-чисини ўқишдан қайтганим заҳоти чизгандим, – дея олим суратлардан бирининг олдида борди. – Қаранг:

– Сурат тарихи ҳақида гапириб бермадингиз, – дедим мен унинг ҳаёлини тарқатиб юбормаслик учун мулоийим тарзда.

– Мен бу